Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 22 сентябрь, сешанба № 186 (21.284).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Австрия Республикасига амалий ташрифи якунлари тўғрисида

АХБОРОТ

● Австрия Республикаси федерал канцлери Франц Враницкийнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 1992 йил 18—20 сентябрь кунлари Австрияга амалий ташриф буюрди.

18 сентябрь куни Венада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Австрия Республикасининг федерал президенти Т. Клестиль билан учрашди. Икки раҳбар Ўзбекистон — Австрия муносабатлари хусусида ва иккала томонни қизиқтирувчи халқаро муаммолар юзасидан фикрлашиб олдилар.

И. А. Каримов Австрия Республикасининг федерал канцлери Ф. Враницкий, Австрия Республикаси миллат мажлисининг раиси Х. Фишер билан учрашувлар ва музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вена ўлкаси ҳукуматининг бошлиғи — Вена шаҳрининг ҳокими, Қуйи Австрия ўлкаси ҳукуматининг бошлиғи — Дюрнштайн шаҳрининг ҳокими ҳамда Австрия савдо-саноат доираларининг вакиллари билан ҳам учрашди. Ҳамма жойда у самимий ва шодиёна кутиб олинди.

Ўзбекистон ва Австрия раҳбарларининг фикрича, Ўзбекистон — Австрия муносабатлари масалалари юзасидан ўтказилган фикрлашувлар жуда фойдали бўлди. Иккала томон олий даражадаги Ўзбекистон — Австрия учрашуви Ўзбекистон Республикаси билан Австрия Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларни қарор топтиришнинг муҳим босқичини бошлаб беради, деган якдил бир фикрни айтишди. Бу эса иккала мамлакат халқларининг туб манфаати ва орзу-умидларига мос келади.

Иккала томон шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикаси ва Австрия Республикаси давлатлараро алоқанинг ҳаммабоп қоидалари: мустақилликни ва ҳудудий яхлитликни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ўзаро муносабатларниривожлантираверадилар.

Австрия томони музокаралар чоғида Ўзбекистон Республикасининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгаш қоидаларига содиқлигини ва мазкур кенгашдаги иштирокини, Ўзбекистон халқларининг мустақилликни мустаҳкамлаш, барқарорликни сақлаб қолиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, ҳуқуқий халқчил давлат барпо этиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш муддаосини ва шу борадаги қатъиятини қўллаб-қувватлашини изҳор қилди.

Иккала давлатнинг раҳбарлари Марказий Европадаги, МДҲдаги ва Ўрта Осиё минтақасидаги вазиятни атрофлича таҳлил этдилар. Югославиядаги, Кавказортидаги, Афғонистондаги ва Тожикистон Республикасидаги воқеаларга алоҳида эътибор берилди. Томонлар мазкур минтақалардаги қуролли можароларни сиёсий воситалар билан бартараф этишга эришиш учун жаҳон ҳамжамияти вазминлик билан самарали чора-тадбирларни кўриши зарурлигини таъкидладилар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида бундан буёнги қарама-қаршилик ва адоватнинг авж олиши мазкур минтақалар халқларининг тақдирлари учун олдиндан айтиб бўлмайдиган хатарли оқибатларга олиб бориш хавфини туғдиради, деган фикрга келдилар.

Томонлар икки томонлама муносабат масалалари ва ўзаро диққатга сазовор бўлган халқаро муаммолар юзасидан ахборот айирбошлаш ҳамда фикрлашиб туриш фойдали бўлади, деб ҳисоблайдилар. Улар бундан буён ҳам алоқа боғлаб туриш ҳамда дунёда ва унинг айрим минтақаларида вужудга келаётган вазият хусусида нуқтаи назарлари ҳақида ўз вақтида бир-бирларига ахборот бериш тўғрисида келишиб олдилар.

Савдо-саноат доираларининг намояндалари билан самарали музокаралар бўлиб ўтди. Бу музокараларда иккала давлат ўртасида кенг миқёсда мол айирбошлаш, халқ хўжалигининг устивор тармоқларида қўшма корхоналар барпо этиш, молия, менежмент соҳаларида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, профессор-муаллимларни бир-бирларига юбориб туриш ва сайру саёҳатни ривожлантириш имкониятлари, аниқ шакллари ва йўналишлари муҳокама қилинди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси билан Австрия Республикаси ўртасида сарфланган сармояни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Шартнома дастлабки тарзда имзоланди.

Томонлар савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида иккала ҳукумат ўртасида битим, аниқ лойиҳаларни пул билан таъминлаш ва улар учун қарз бериш тўғрисидаги кафолатлар ҳақида битим ва ҳаво қатнови тўғрисида битим тузиш юзасидан бошланган ишни давом эттириш хусусида келишиб олдилар.

Иккала томон икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги алоқа ва мулоқотга катта аҳамият бердилар ва бу алоқа ҳамда мулоқотни бундан буён ҳам давом эттириш ниятидадирлар.

Президент И. А. Каримов Австрия Республикасининг федерал президенти Т. Клестиль ва федерал канцлер Ф. Враницкийга Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюриш тўғрисида таклифнома топширди.

Австрия томони таклифномани миннатдорлик билан қабул этди. Ташрифларнинг вақти дипломатия йўли орқали кейинчалик келишиб олинади.

Вена,
1992 йил 20 сентябрь.



МАРҲАБО, ҲОСИЛ КАРВОНЛАРИ!

Гулистон шаҳри пахта заводи — Сирдарё вилоятининг энг тўнғич корхонаси. Бу ерда доимий анъанага кўра ҳар йили қалдирғоч ҳосил карвони тантанали маросимлар билан кутиб олинади, яхши истаклар билдирилади. Ана шу эски удумга кўра, бу ерда Гулистон районидан келган деҳқонларнинг «оқ олтин» карвонлари қабул қилинаётир. Район вакиллари, фаоллар шу ерда тўпланишган.



Ҳосил карвони шодиёнасига бағишланган йиғилишни Гулистон район ҳокими Т. Исмоилов очиб, пахтакорларни, ҳосилни қайта ишловчиларни янги ҳосил билан қутлади.

— Пахтакорлар орзиқиб кутган, ғалвирни сувдан кўтарадиган дам етиб келди, — деди у. — Мана бугун биринчи ҳосил тарозига қўйиляпти. Йил оғир келса ҳам деҳқонларимиз ёмон ишлашмади, ҳосилни барвақт етилтиришга улгуришди. Ишончим комилки, далаларимизда мўлжалдаги ҳосил бор. Ана шу ҳосилни йиғиб-териб олишда ҳамма бир ёқадан бош чиқариб курашади.

Ленин номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ўринбой Умаров, Гулистон пахта тозалаш заводи тайёр маҳсулотни жўнатиш бўлими бошлиғи Мирбайзо Мирсаидов, У. Носир номли жамоа хўжалиги раиси Исматилла Тўхтамишевлар пахтакор ва қайта ишловчиларни табриклаб, бу йилги хирмон ҳам баракали бўлишига тилак билдирдилар.

Карнай-сурнай садолари янграйди. Раққоса даврага чиқиб қатнашчиларни ўйинга чорлайди, Рақсга, ўйинга иштиёқмандлар бирин-кетин даврадан ўрин олишади. Куй-қўшиққа уланиб жонланиб боради. Пахта тарозига қўйилди. Тарозибон Ўринбой Қурбоновнинг қўли-қўлига тегмайди. У янги келтирилган ҳосилдан мамнун. Лаборантлар Зинфира Ахмадуллина, Сайёра Каримовалар ҳосил навини текшириб, аниқлай бошладилар. Келтирилган пахтанинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди. Пахтани қайта ишловчилар шу куни Гулистон райони хўжаликларидан 100 тоннадан зиёд пахта ҳосили қабул қилиб олишди.

Шу кунларда Сирдарё вилоятининг барча районларида йиғим-терим ишлари авж олиб бораётир. Қўриқдағи Оқолтин, Меҳнатобод; Шароф Рашидов районларида ҳам «оқ олтин» карвонлари йўлга чиқди. Вилоят деҳқонлари бу йил жумҳуриятимизнинг улкан пахта хирмонига ўзларининг 350 минг тонна пахтаси билан улуш қўшишга аҳд қилганлар. Бу ҳосилнинг асосий қисми техника ёрдамида йиғиштириб олинади.

Б. БЕКМУРОДОВ,
«Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетаси мухбири.
А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: Гулистон районидаги «Октябрь» жамоа хўжалиги механизатори А. Саидназаров ва Сайхунобод районидаги «Бирлашган» жамоа хўжалиги теримчиси К. Камолова.

Р. ЖАФАРОВ олган сурат.

ОҒАХОН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

19 сентябрь куни Самарқанднинг Регистон майдони байрамона тус олди. Бу ерда Оғахон маданият жамғармаси эълон қилган халқаро танлов ғолибларига мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Жамғарма Бош котиби Суха Оскан маросимни очиқ деб эълон қилгач, Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов меҳмонларни бу заминга ташрифлари билан қутлади. Сўнгра минбарга шаҳзода Оғахон таклиф этилди. У ўз нутқида жамғарманинг бу галги мукофотини бутун дунёга машҳур Самарқандда, мусулмон оламининг бетакрор тарихий обидалари қад кўтарган шаҳарда топширишга мушарраф бўлганидан мамнунлик изҳор этди.

Якшанба куни Самарқанддаги ўзбек драма театри биносида танлов ғолиблари иштирокида семинар ўтказилди. Душанба куни эса шаҳзода Оғахон бошлиқ мўътабар меҳмонлар Хоразмнинг Урганч ҳамда Хива шаҳарларига сафар қилдилар. Улар мукофотни топшириш арафасида Бухорода ҳам бўлган эдилар.

Ҳ. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

ОБИДАЛАРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Самарқандда «Меъморчилик ёдгорликларини қайта тиклаш-таъмирлашда ишлатиладиган янги материаллар» мавзуига бағишланган иккинчи халқаро илмий-техник анжуман якунланди.

Анжуманда Москва, Санкт-Петербург, Олмаота, Одесса шаҳарлари ҳамда бошқа хорижий мамлакатлардан келган олимлар ва мутахассислар қатнашдилар. Улар уч кун мобайнида Самарқанддаги ноёб обидаларнинг аҳволини ўргандилар, ёдгорликларни сақлаш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар.

— Анжуман меъморчилик соҳасида шаҳзода Оғахон маданият жамғармаси мукофоти топшириладиган кунларда ўтди, — деди ЎзА мухбири билан суҳбатда Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтининг ректори, профессор Р. Холмуродов. — Бу жамғарма кўҳна Самарқандни тиклаш ва таъмирлаш борасидаги энг яхши лойиҳа танловига раҳнамолик қилаётганы, унинг саъй-ҳаракати билан Улуғбек маданий марказининг бунёд этилиши жуда савобли иш бўлди.

(ЎзА мухбири).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА 1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

● Азиз муштарий! Сиз газетамизда яқинда эълон қилинган: «Хиёнат» [22 июль], «Сирли калит» [5 август], «Хомталаш» [6 август], «Шаҳар кўзгуллари» рукни остидаги рейд материаллари [25 июль, 7 ва 14 август], «Сувга чўккан қайиқлар» [5 сентябрь], «Шакар» операцияси» [12 сентябрь] каби бир қатор долзарб мавзулардаги чиқишлар, фельетонларнинг нима билан якунланганини билишни истайсизми! Унда:

● «Автобус қароқчига дуч келди» [18 сентябрь]. Хўш, кейин нима бўлди! «Кимнинг чўмичи «мой», кимники «лой» [22 сентябрь] фельетонининг «қаҳрамонлари»нинг мой иднишлари қачон қурийди! Булар ва шу каби саволларга жавоб топаман десангиз:

— 1993 ЙИЛ УЧУН «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ.

● Газетамизнинг бир йиллик обуна нархи — 384 сўм, олти ойга — 192 сўм, уч ойга эса — 36 сўм. Агар «Ўзбекистон овози» ҳафтасига беш марта чиқишини ҳисобга олсак, бу — унчалик қиммат эмас.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64583.

п.в. жойи

(нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юборилсин	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ТОЖИКИСТОН ДАРДИ—БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

ТОЖИКИСТОНЛИК БИРОДАРЛАРИМИЗГА!

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!

Биз ушбу ила қардош Тожикистон мусулмонларига мурожаат қилар эканмиз, шу кунларда Ўзбекистон мусулмонларининг қўшни жумҳуриятда рўй бераётган қонли воқеаларга нисбатан қаттиқ ташвиш билдираётганларини эътиборга олмай туролмаймиз. Дарҳақиқат, диёримиздаги ҳеч бир мусулмон бу ноҳуш воқеаларга бефарқ бўлолмайди. Қуръони каримда ҳам бир кишини ноҳақ ўлдириш бутун жаҳон аҳлини ноҳақ ўлдириш билан баробар деб айтилганки, одамлар қонини тўкиш бир кишини ноҳақдан ўлдиришдан бошланади.

Тожикистондаги қонли воқеалар айни шу хилдаги нотинчликдан бошланди. Афсуски ўз вақтида тўхтатилмаган бу бедодликлар тобора кенгайиб, юзлабминглаб кишиларни — бегуноҳ гўдаклар, аёллар ва кексаларни ўз домига тортмоқда. Ўзини мусулмон деб билган ҳар бир киши борки, бу хунрезликларга томошабин бўлиб туриши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Ҳадиси шарифда: «Қайсингиз бирон ноқобил ишни кўрсангиз, дарҳол қўлингиз билан тўхтатинг ёки тилингиз билан, ёки дилингиз билан тўхтатинг, лекин бу охиргиси иймонингиз заифлашганда бўлади», дейилган. Шу боис мусулмонлар ўз иймонларининг заифлашувигача бормай, Тожикистондаги можарони тўхтатмоқлари зарур.

Бу тил ва дил нидосини Тожикистондаги диний арбоблар ҳам биладилар. У ерда халқ ҳурматига сазовор бўлган донишманд уламолар борки, уларнинг бу можарони тўхтатиш учун ҳаддани сиғади. Биз улар ўзларининг тарафкашлик туйғуларини тийиб, халқ учун, Оллоҳ учун белларига ҳиммат камарини боғлайдилар, айрим жангу жадал тарафдорларини ўз насиҳатларига юргиза оладилар, деб ишонамиз. Ўртадаги низоли масалаларни тинч йўл билан тезроқ ҳал қилиш имконияти мавжуд. Қуръони каримдаги «Агар икки тоифа мусулмон ўртасида жанг чиқса, уларни яраштиринг»деган ҳикматли чақириққа амал қилиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, энг аввало, уламоларнинг вазифаси эканини барча мусулмонлар яхши англайдилар. Тожикистонда обрў қозонган эшонларимиз ва уларнинг муридлари халқ ичида тинчлик ва осойишталик ўрнатишни ўзларининг асосий вазифалари деб билишлари ҳам фарз, ҳам вожибдур. Бизнинг аждодларимиз орасида яшаган уламолар айни шундай оғир пайтларда халқнинг дардига малҳам бўлганлар. Бунга Хўжа Аҳмад Яссавий, Занги ота, Хўжа Баҳовуддин Нақшбандий ва Хўжа Аҳрор Валиларнинг фаолиятлари ёрқин мисол бўла оладики, улар неча марталаб низоларни тўхтатиб, Оллоҳ назидда авлиёлик даражасига етдилар ва аксинча— мусулмонлар орасида фитна ва ҳасад қўзғатган шахслар Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлдилар.

Барча мусулмонлар шу кунларда Оллоҳ олдида шундай оғир синовда турибдиларки, агар Тожикистондаги қонли воқеалар бартараф этилса, қўшни республикаларда бундан бўёнги тинчлик ва осойишталикка ҳам мустаҳкам пойдевор қурилган бўлади. Халқимиз ўз келажаги ва фарзандлари келажаги учун шундай осойишталикка мухтождир. Шунинг учун Қуръони карим даъватларига амал қилиб, қардош ва қондош Тожикистон жумҳуриятидаги уламо ва фузалони муқаддас нидога ҳамовоз бўлиб, можарони тез фурсатда тўхтатишга ҳисса қўшишларини илтимос қиламиз, шундай қилсалар, Оллоҳи таоло олдида барчамизнинг юзимиз ёруғ ва унинг солиҳ бандаларидан бўламиз. Оллоҳи таоло ҳаммамизнинг бу борада қилган савоб ишларимизга ажри азим ато айлагай. Омин ё раббал оламин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар комитети.

Илм-фан тинчлик ва эзгуликка хизмат қилсин

● Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари Тожикистонда вужудга келган вазият хусусида жуда ташвишланиб гапирдилар. Республикамиз илм-фан арбоблари тожик касбдошларига, қўшни давлатнинг барча аҳолисига Мурожаатнома қабул қилдилар.

«Юксак маданиятга ва қадимий тарихга эга бўлган халқ яшовчи бахтиёр ва гўзал тожиклар диёридан таҳликали хабарлар келиб турибди, — дейилади бу ҳужжатда. — У ерда бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилмоқда. Бу воқеа бизнинг ҳам озодлигимизга, демократиямиз ва маърифатимизга, ҳуқуқий давлат қуришдек асл муддаомизга урилган зарбадир. Аммо бунда меҳнатсевар тожик халқининг айби йўқ. Урушқоқлик тожик қардошларимизга ёт хусусиятдир».

Ўзбекистон олимлари шунга аминдирларки, урушни сиёсий ғаламислар чиқарганлар, улар оддий халқнинг манфаатларини мутлақо ўйламайдилар. «Тожикнинг тожикка отган ўқи бизнинг ҳам кўкрагимизни тешиб ўтмоқда, — дейилади Мурожаатномада. — Биз азалдан сизлар билан бир оила фарзандларидек яшаб келганмиз. Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам бунга мисоллар кўп. Тожикистон Фанлар академиясининг биринчи президенти, машҳур олим ва адиб Садриддин Айний бизнинг академиямизнинг ҳам фахрий аъзоси эди».

Олимлар ҳамиша ҳамма замонларда ҳам тинчлик, қардошлик, осойишталик ва ҳамкорлик жонкуярлари бўлиб келганлар. Улар воқеаларга вазминлик билан оқилона ёндашиш намунасини кўрсатиб келганлар. «Калтабин ғаламисларнинг кирдикорларини сизлар тўғри баҳолаб, ташқаридан бўлаётган иғволарга муносиб зарба беришингизга ишонамиз...

Тинчлик ва осойишталик бўлмаган жойда фан ва маърифат, маданият ва санъат ривожлана олмаслиги ҳаммага яхши маълум. Ижодкорлик учун шароит бўлмаса, инсон фаолиятининг барча соҳалари таназзулга юз тутади. Шу сабабли Тожикистонда осойишталикни таъминлаш бутун минтақада тинчлик ато этиш, демакдир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош котибига мактуби бунинг далилидир. Мазкур мактубда воқеаларнинг ривожланишидан хавотирлик изҳор этилди», дейилади олимларнинг Мурожаатномасида.

Мурожаатноманинг охирида шундай сўзларни ўқиймиз: «Азиз қардошларимиз ва дўстларимиз, Хонадонларингизда мангу тинчлик ва омон-эсонлик доимо ҳукм сурадиган бўлсин».

(ЎзА).

• ХДП: бошланғич ташкилотга ёрдам

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

1. Бир неча партия ташкилоти ижроия бюроларининг қўшма мажлислари ва йиғилишларини чақириш ҳамда ўтказиш мумкинми?

Бир неча партия ташкилотлари ҳисобида турган партия аъзолари кўпинча умумий масалаларни кўриб чиқишларига тўғри келади. Бошланғич ташкилотларда умумий вазифаларни ҳал этиш чоғида уларни биргаликда муҳокама қилиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштириб олиш зарурияти туғилиши мумкин. Ҳокимият органларига сайловлар бўйича сайловолди кампаниясини ўтказиш, партия ташкилотларининг сайловлардаги платформасини муҳокама этиш, партия делегатлари ва сайланма органлари таркибига номзодлар кўрсатиш ва уларнинг муҳокамаси шундай вазифалар жумласидандир. Бундай ҳолларда қўшма ёки бир хил соҳа бўйича мажлисларни ўтказиш ўзини оқлайди, баъзи ҳолларда эса бу зарур ҳамдир.

Қўшма партия йиғилишлари ва бошланғич ташкилотлар ижроия бюроларининг мажлислари партия ташкилотлари билан ҳам, шунингдек, район, шаҳар кенгашларининг таклифига кўра маърузаларни муҳокама этиш, умумпартиявий аҳамиятга молик бўлган ХДПнинг муҳим ҳужжатлари ва қарорлари билан партия аъзоларини шошилинч таништириш мақсадида ўтказилиши ҳам мумкин. Қўшма партия йиғилишлари уларни ўтказишга пухта тайёргарлик кўришни, партия аъзоларини бундан ўз вақтида бохабар этиш ва уларнинг қатнашувини таъминлашни тақозо этади. Йиғилишда агар партия ташкилотлари ҳисобида турган партия аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашаётган бўлса, у ҳуқуққа эга бўлади.

2. Ўз районидан ташқарига узоқ муддатли командировкага кетадиган ХДП аъзолари қаерда ҳисобда турадилар ва аъзолик бадалларини қандай тўлайдилар?

Ўз шаҳридан, районидан ташқарига узоқ муддатли командировкага кетаётган ХДП аъзолари одатда партия ҳисобидан чиқишмайди. Бироқ партия Низоми талабларини бажариш, унинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда қатнашиш учун улар муваққат ҳисобда турадилар ва муваққат иш ёки истиқомат жойида ХДП ташкилотлари фаолиятида иштирок этишлари мумкин. Бунда аъзолик бадаллари партия аъзолари доимий ҳисобда турган бошланғич ташкилотларда тўланади. Узоқ муддатли командировкага кетаётганлар аъзолик бадалларини олдинроқ тўлашлари ҳам мумкин. Лекин бундай аъзолик бадаллари кўпи билан олти ой учун қабул қилинади, холос. Сўнгра амалда олинган иш ҳақи бўйича қайта ҳисобланади ёки командировкадан қайтгандан сўнг тўланади. Партия аъзоси командировкада эканлигида аъзолик бадаллари тўланадиган рўйхатда унинг фамилияси қаршисига «Иш шароитларига кўра йўқ» деб ёзиб қўйилади.

3. Партия аъзолик бадаллари ўз вақтида тўланмаганлиги Низомни бузиш ҳисобланадими ёки вақтида аъзолик бадалларини тўламаган ХДП аъзосига нисбатан қандай чора кўрилади?

Узрли сабабларсиз аъзолик бадалларини уч ойдан кўпроқ тўламаган партия аъзоси тўғрисидаги масала у ҳисобда турган бошланғич ташкилот ҳуқуқига эга бўлган ташкилотда кўриб чиқилиши лозим. Агар бунда партия аъзосининг партия ташкилоти билан алоқани йўқотганлиги аниқлангудек бўлса, у ҳолда ХДП аъзолари унинг партиядаги аъзолигини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

4. Партия бадаллари ўз вақтида тўланмаслигининг узрли сабабларига нималар киради?

Узоқ муддатли командировка, бетоблик, шунингдек партия аъзосига боғлиқ бўлмаган ва вақтида аъзолик бадалларини тўлашга халақит берган шароитлар узрли сабаблар ҳисобланади.

5. Катта иш ҳақи олувчи партия аъзоси бошланғич ташкилот қарори ёҳуд ўз хоҳишига кўра партия бадалларини Низомда белгиланган бир фоиздан камроқ миқдорда ҳам тўлай оладими?

Партия бадаллари миқдори ХДП Низоми билан белгиланади ва у партия анжумани ёки умумпартиявий конференциядан ташқари бирор бир орган қарори билан ўзгартирилиши мумкин эмас. Демак бошланғич ташкилот аъзолик бадаллари миқдорини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас. Аъзолик бадалларининг даромадлари бир фоиздан камроқ миқдорида тўланиши партия Низомини бузиш деб баҳоланади.

6. ХДП аъзоси партияга аъзоликни тўхтатиши мумкинлигини қандай тушунса бўлади? Қайси ҳолларда шундай бўлиши мумкин, унда унинг ҳисоб ҳужжатлари қаерда сақланади? Бунинг учун бирор-бир қарор қабул қилинадими? Шундай бўлса қайси орган томонидан қабул қилинади?

Ўзбекистон ХДП Низомида партия аъзосига партияга аъзоликни тўхтатиш ҳуқуқи берилган. Партияга аъзоликни тўхтатиш деганда партия аъзосининг партия ҳаётидаги қатнашувини вақтинча тўхтатиши назарда тутилади. Мазкур ҳолда аъзоликни тўхтатган киши мажлисларда қатнашмайди, унга нисбатан Низом, партия органлари ва ташкилотларининг қарорлари кучда бўлмайди. Агар Ўзбекистон ХДП аъзоси узрли сабаблар ёки шароитларга кўра партия сафида бўла олмаса, вужудга келган вазият ўзгариши билан яна унинг сафига қайтиш ҳуқуқини сақлаб қолиш ниятида бўлса, партияга аъзолик тўхтатилиши мумкин.

ХДПга аъзоликни тўхтатиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотлари томонидан партия аъзосининг ёзма аризасига мувофиқ қабул қилинади. Ушбу қарор район, шаҳар партия кенгашига берилади. Уерда партия билетига тегишли белги қўйилади. ХДПга аъзоликни тўхтатган кишилар партия ҳисобидан чиқарилади, уларнинг ҳисоб карточкалари эса йўқ қилиб юборилади. Аъзоликни тиклаш чоғида партия аъзоси бошланғич ташкилотга ариза билан мурожаат этади. Бошланғич, ташкилот ушбу масалани кўриб чиқиб, ўз қарорини район, шаҳар кенгашига юборади. Бу ерда унинг партия билети асосида янги ҳисоб карточкаси ёзилади. Шуни ҳам айтиш лозимки, ХДПга аъзоликни тўхтатишнинг бутун даври мобайнида партия аъзоси партия билетини ўзида сақлайди.

7. Ўзбекистон ХДП аъзоси партия юқори органи — шаҳар, район, вилоят ёки ҳатто Марказий Кенгаш қарори билан партиядан чиқарилиши мумкинми?

Амалдаги Низомга мувофиқ партиядан чиқариш масалалари бошланғич партия ташкилотлари ваколатига киради. Лекин юқори ташкилотлар ХДП сафида ҳар бир партия аъзосининг бундан буён бўлиш-бўлмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши ва асосли далилларни келтирган ҳолда бошланғич ташкилотга уни партия сафидан чиқаришни таклиф этиши мумкин. Лекин шунда ҳам масала бошланғич ташкилотда узил-кесил ҳал этилади.

М. ХАДАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири.

• Луқма

ҲУРМАТМИ, ҲУРМАТСИЗЛИКМИ?

Яқин кунларгача доҳийлар номида қўша-қўша колхоз, совхоз, мактаб бўларди. Ҳозир эса бошқача. Илгари ўқувчидан тортиб академикка қача Амир Темурни лаънатлаган бўлса, энди Соҳибқирон рўшноликка чиққач, колхозни ҳам, кўча, майдонни ҳам унинг номи билан аташга киришдик. Баъзан мусобақалашгандек қўшни райондаги ёндош хўжаликларга ҳам шу ном бериляпти.

Қашқадарёда яна бир ном машҳур бўлиб қолди. Насаф номидаги биржа, Насаф номидаги совхоз, чойхона, кўча. Тўғри, Қашқадарё вилоятида, хусусан, Қарши шаҳрида тегишли жойларни бу улуғ ном билан аташнинг ўзига хос мазмуни бор. Насаф Қарши шаҳрининг тарихий номи. Буюк Соҳибқирон юрти асли Қашқадарё. Буни ҳеч ким инкор этмаса керак. Лекин бу улуғ зотга ҳурматимизни билдирамиз деб, номини кўп жойларга тиркаб, шахсини суиистеъмол қилиш ҳурматсизлик бўлмайдими? Бир томонга оғиб кетмаяпмизми? Балки бу шошма-шошарлик билан иш юритиш оқибатидир. Эҳтимол, саллани олиб кел деса, каллани олиб келадиган кишилар ишидир. Нима бўлганда ҳам чуқур ўйлаб иш тутмоқ, етти ўлчаб бир кесмоқ лозим. Келгусида яна кимлардир бизни айбламасин.

Яқинда яна бир гапни эшитиб ажабландим. Шаҳардаги йирик кутубхоналарнинг бири ҳозир гуркираб ижод қилаётган ҳамюртимиз номи билан аталибди. Бунинг ёмон томони йўқ. Катта ғурур. Аммо одамлар таажжубланишди, чунки атоқли шоир ўта камтар инсон. У буни ё истар, ё истамас. Қолаверса, у билан телевидение, матбуот орқали тез тез юз кўришиб турибмизку.

Умуман, ошкоралик деяравани бир томонга олиб қочиш ярамайди. Ном қўйишга келганда ҳам эҳтиёткорлик билан ёндашган маъқул. Юқоридан «буйруқ» деб улуғ инсонлар номини тўғри келган жойга қўйиб ташлаш одамларда турлича ўй уйғотиши мумкин. Энг муҳими, марҳум ва тирик буюк зотлар номини асраб-авайламоғимиз керак.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Наманган районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги боғбонлари бу йил 32 гектар майдондаги боғда мўл ҳосил етиштирдилар. Шу кунларда эса мевалар ғарқ пишди. Соҳибкорлар пишиб етилган меваларни пешма-пеш узиб, эл дастурхонига етказиб бермоқдалар. Уларнинг нияти — аҳолига 45 тонна узум, 245 тонна мева етказиб бериш. Олма теримида, айниқса, Гулнора Зуфархонова, Қурбоной Шарипова сингари чеварлар кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда.

СУРАТДА: икки дугона — Гулнора Зуфархонова билан Қурбоной Шарипова.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

• АНДИЖОН

ЯНГИ ШИФОХОНА — БАЙРАМГА СОВҒА

● БУЛОҚБОШИ қишлоғида бир йўла 150 кишига хизмат кўрсатувчи поликлиника иш бошлади.

Бу шифо масканини Булоқбоши хўжаликлараро механизациялашган кўчма корхонанинг Иброҳимжон Исроилов бошлиқ қурувчилари барпо этдилар. Улар салкам 5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Янги шифохона мустақиллигимизнинг бир йиллигига муносиб туҳфа бўлди.

Худди шундай шифо маскани Олтинкўлда ҳам фойдаланишга топширилди. «Қўрғонтепа» жамоа хўжалигида эса қишлоқ врачлик амбулаторияси ишлай бошлади.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

• ХОРАЗМ

ЕТИМ-ЕСИРЛАР КЎНГЛИНИ ОВЛАБ

● УРГАНЧ шаҳар ҳокимлиги республика мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан Афғонистондаги фуқаролар урушида иштирок этган байналмилалчи-жангчилар ҳамда Чернобиль фалокатида қатнашган йигитларнинг давра суҳбатини ўтказди.

Мулоқот давомида уларнинг жасоратларга бой хизматлари мамнуният билан қайд этилди. ва байрамга тўёна тарзида 20 минг сўм улашиб берилди.

Етим-есирларга кўрсатилаётган мурувват ва ғамхўрликлар ҳам диққатга сазовордир. Уларга Мустақиллик байрами муносабати билан 23600 сўм тақсимлаб берилди. 100 нафарга яқин ана шундай болалар эса бепул мактаб формалари билан таъминланди.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

МУҚОБИЛ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Муқобил хизмат тушунчаси

Муқобил хизмат — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўтайдиган давлат хизматининг алоҳида туридир. Бу хизмат фуқаронинг корхоналардаги, муассасалардаги, халқ хўжалиги ташкилотларидаги, юқори малака талаб этилмайдиган (ёрдамчи) ишларни ёки ўз малакасига мос ишларни, шу жумладан фалокат, фожиа, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этишга оид ишларни бажариш билан боғлиқдир. Муқобил хизмат фуқароларни ҳарбий ишга ўргатишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун заҳирадаги жангчилар тайёрлашни кўзда тутади.

2-модда. Муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар

Муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар ушбу Қонундан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир .

Муқобил хизматни ўташ тартиби ушбу Қонун билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Муқобил хизматни ташкил этиш ва уни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини ва вазифаларини амалга ошириш чоғида юзага келувчи муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунлари билан тартибга солинади.

3-модда. Муқобил хизматни ўташ ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий ҳисобда турадиган, муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролари, башарти улар:

хизматга чақирилаётган шахсдан ташқари 16 ёшга тўлмаган тўрт ва ундан ортиқ болали оиладан бўлсалар;

ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ака-ука (опа-сингил)лари бўлса;

диний таълимоти қурол ишлатишга ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг аъзоси бўлсалар, муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ўзга тоифаларини ҳам белгилаши мумкин.

Муқобил хизматни ўтаётган шахслар муқобил хизмат хизматчилари, деб аталадилар.

4-модда. Муқобил хизмат муддати

Муқобил хизмат муддати 24 ой, олий маълумотли фуқаролар учун эса 18 ойдир.

5-модда. Муқобил хизмат ўталадиган жой

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари муқобил хизматни Ўзбекистон Республикаси корхоналари, муассасалари, халқ хўжалиги ташкилотларида ўтайдилар. Муқобил хизмат ўталадиган вазирликларнинг, идораларнинг, шундай хизмат қўлланадиган соҳаларнинг ҳамда бажариладиган иш турларининг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Чақирувчилар муқобил хизматни ўташи мумкин бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасдиқлайди.

6-модда. Муқобил хизмат хизматчиларини ўқитиш

Муқобил хизмат хизматчилари ишчи ихтисосини ўрганиши учун халқ таълими тизими, тармоқ вазирликлари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўқув юртларига юборилиши мумкин.

Муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган дастурлар асосида ҳарбий тайёргарлик йиғинларига (машғулотларига) чақириладилар, шу йиғинлар (машғулотлар) вақтида ҳарбий ҳисобдаги ихтисосни эгаллайдилар.

Муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда Ҳарбий қасамёд қиладилар.

Муқобил хизматдан бўшатилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари заҳираси ҳисобига киритиладилар.

7-модда. Муқобил хизматга раҳбарликни амалга оширувчи идоралар

Ўзбекистон Республикасида муқобил хизматга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Муқобил хизмат бошқармаси амалга оширади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳрида муқобил хизмат тузилмаларига раҳбарликни мудофаа ишлари бўйича тегишли бошқармалар ҳузуридаги муқобил хизмат бўлимлари амалга оширадилар.

Айрим ноҳияларда (шаҳарларда) мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимлар қошида муқобил хизмат бўлинмалари (гуруҳлари) тузилиши мумкин.

8-модда. Вазирликлар, идоралар, концернларнинг мажбуриятлари

Тасарруфларидаги корхоналарда, ташкилотларда, муассасаларда муқобил хизмат хизматчиларидан фойдаланаётган вазирликлар, идоралар, концернлар уларни жойлаштириш, ўқитиш-ўргатиш учун, иш жойларида меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик қоидалари талабларини бажаришлари, барча турдаги тиббий ёрдам, имтиёзлар, товон пули, устама ҳақ ва ёрдам пули, шу жумладан иш қобилиятини вақтинча йўқотганлик сабабли ёрдам пули олишлари учун керакли шароит яратиб беришлари шарт.

9-модда. Муқобил хизмат давлат идораларининг фаолият кўрсатишини таъмин этишга мўлжалланган маблағ

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга иш ҳақининг 80 фоизи тўланади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинаётган пуллар муқобил хизмат бошқарув идораларининг ҳисобига ўтказилади. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳам муқобил хизмат идораларининг таъминоти учун ҳамда муқобил хизмат шахсий таркибига ишчи касбларини ўргатиш учун муқобил хизмат идораларининг ҳисобига тегишли шартномаларда белгиланган ҳажмларда пул ўтказадилар.

10-модда. Муқобил хизматга чақириш

Фуқароларни муқобил хизматга чақириш муддатли хизматга чақирилаётганлар учун белгиланган тартибда амалга оширилади, бу ишни ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси эса ноҳия (шаҳар) чақирув комиссиялари ва ҳокимликлари зиммасига юкланади.

11-модда. Корхона, муассаса ва ташкилот маъмуриятининг мажбуриятлари

Корхона, муассаса ва ташкилотнинг маъмурияти:

фуқаро муқобил хизматни ўташдан бош тортган ҳоллар тўғрисида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг тугатилиши, иш ўринлари ва ходимлар миқдори қисқартирилиши ҳақида камида икки ой олдин муқобил хизмат бошқаруви идораларини хабардор қилиши;

муқобил хизматни ўтаётган фуқарога, у ҳалоқ бўлган ҳолларда эса, унинг оиласига, ишлаб чиқариш фалокати оқибатида, улар хизмат (меҳнат) вазифасини бажараётган чоғда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик қоидалари талабларининг бажарилишини таъмин этмаганлик оқибатида унинг саломатлигига етказилган зарар учун бир ,марта бериладиган нафақа ҳамда товон пули тўлаши шарт.

12-модда. Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро:

хизмат ва иш жойидаги тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдамнинг барча турларидан фойдаланиш;

иш жойида барча нафақалар, устама ҳақлар ва ёрдамлар, шу жумладан меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик учун нафақалар олиш;

хизматга чақирилгунга қадар ўзи ишлаган ёки ўқиган корхонага, муассасага, ташкилотга аввалги ишига ёки аввалгисига тенг лавозимга, шунингдек ўқув юртига қайтиш;

бошқа хизмат жойига ўтказиш, муқобил хизматдан муддатидан аввал бўшашга оид масалалар бўйича, бошқа мазмундаги аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан муқобил хизмат бошқаруви давлат идораларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

13-модда. Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларнинг мажбуриятлари

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро:

хизматни белгиланган жойда, муқобил хизмат тузилмалари таркибида ўташи;

ушбу Қонунда, ҳарбий низомларда белгиланган талабларни, шунингдек иш жойида амал қилиб турган ички меҳнат тартиб-қоидаларини сўзсиз бажариши;

ҳарбий билимларни сабот билан эгаллаши, ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариши шарт.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар ҳалокат, фалокат ва табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш учун жалб этилган тақдирда, улар юзага келган вазиятдан келиб чиқадиган ҳамда ана шу оқибатларни бартараф этиш юзасидан комиссия ёки штабларнинг жойлардаги раҳбарлари белгилайдиган махсус вазифаларни бажарадилар.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар:

раҳбарлик ва сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаш;

хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

олий ва ўрта махсус билим юртларига ўқишга кириш;

тегишли мансабдор шахснинг рухсати бўлмагани ҳолда хизмат жойидан ва ишдан кетиб қолиш ҳуқуқига эга эмас.

14-модда. Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар учун ижтимоий кафолатлар

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар ҳарбий хизматни бажаришга мажбур фуқаролар учун белгиланган тартибда ҳарбий тайёргарликни ўташ, ҳарбий қасамёд қилиш ва ҳарбий ҳисобдаги ихтисосни эгаллаш учун зарур бўлган вақтга ишлардан озод этиладилар.

Чақирув комиссиялари томонидан тиббий текширувдан ўтиш учун диспансер, амбулатория ва стационарга юборилаётган фуқаролар тиббий муассасаларда бўлган даврларида уларнинг иш жойлари, эгаллаб турган вазифалари ва ўртача иш ҳақлари сақланиб қолади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро ҳар йили 15 иш кунига тенг муддатга таътил олиш ҳуқуқига эгадир.

Муқобил хизмат муддати умумий стажга ва махсус меҳнат стажига қўшилади.

Муқобил хизматни ўташ чоғида меҳнат қобилиятини йўқотган фуқаролар ҳамда шу аснода ҳалок бўлган фуқароларнинг оилалари, шунингдек уларнинг қарамоғида бўлган шахслар амалдаги қонунларга мувофиқ, муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари учун белгиланган тарзда нафақалар олишга ва пенсия таъминоти ҳуқуқига эгадирлар.

15-модда. Муқобил хизматни тўхтатиш

Муқобил хизматнинг белгиланган муддатини адо этган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг буйруғи билан хизматдан бўшатиладилар.

Фуқаро оилавий шароити ўзгарганлиги муносабати билан, башарти, бу ҳол унга амалдаги қонунларга мувофиқ хизматни кечиктириш ёки хизматдан озод бўлиш ҳуқуқини берса, муқобил хизматдан муддатидан илгари бўшатилиши мумкин.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги даволаш муассасаларининг ҳарбий-шифокорлар комиссиялари томонидан саломатлигига кўра хизматни давом эттиришга қодир эмас, деб топилган ҳолларда ҳам муддатидан илгари хизматдан бўшатилиши мумкин.

Муқобил хизматдан муддатидан илгари бўшатиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қабул қилади.

16-модда. Муқобил хизмат тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Чақирув комиссияларининг аъзолари, муқобил хизмат бошқарув идораларининг мансабдор шахслари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари Қонунга хилоф қарорлар чиқарганликлари ҳамда муқобил хизмат тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузганликлари учун амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Муқобил хизматдаги хизматчилар ҳарбий низомларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида муқобил хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгилаб берилган муқобил хизматни ўташ, ҳарбий тайёргарлик ва хизматдан бўшаш тартибини бузганлари тақдирда амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Муқобил хизматдаги хизматчиларга битимдаги мажбуриятларини бузганларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга зарар етказганларида Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тарзда, моддий, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Муқобил хизматдаги хизматчиларга оид жиноий ишлар прокуратура идоралари томонидан тергов қилинади ва республика судлари томонидан кўриб чиқилади.

17-модда. Муқобил хизмат тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилиш

Муқобил хизмат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижросини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг прокуратура идоралари зиммасига юкланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«МУҚОБИЛ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

икки ойлик муддат ичида «Муқобил хизматни ташкил этиш ва уни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

муқобил хизмат қўлланадиган вазирликлар, идоралар, соҳаларнинг рўйхати ҳамда улар бажарадиган ишларнинг турларини белгиласин;

ҳукуматнинг қарорларини «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ҳолга келтирсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари фуқаролар муқобил хизматни ўташ учун йўлланадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини тасдиқласинлар.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.





Шароф Рашидов қозоғистонликлар учун ҳам азиз ва қадрдон эди. 1980 йилнинг август ойида Қозоғистоннинг 60 йиллик юбилейи тантаналарида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Чапдаги суратда Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи котиби Динмуҳаммад Кунаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи котиби Шароф Рашидов ва ҳозирда Мирзачўл район ҳокими Бегим Сериковлар Олмаота тайёрагоҳида. Ўнгдаги суратда Олмаота меҳнат аҳлининг Шароф Рашидов билан учрашув чоғи акс эттирилган.

Бегим СЕРИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ноиби, Мирзачўл райони ҳокими

ШАРОФ РАШИДОВ— ЧЎЛҚУВАРЛАР ҚАЛБИДА

МИРЗАЧЎЛ фарзанди бўлганимдан фахрланаман. Боиси оловли ёшлик дамларим қўриқ воҳада ўтди. Шароф акадай улуғ зот билан Сирдарё вилоятида кўп марта дийдор кўришиш, суҳбатлашиш насиб этди.

1970 йили мени янги тузилган совхозга директор қилиб тайинлашди. Чор-атроф яйдоқ дала, дашт узра қуюн кезар, вагончалар, чодирлар кўринарди, холос.

Кечагидай аниқ эсимда, ўша йилнинг 12 март куни Шароф Рашидов совхозимизга ташриф буюрди. Сирдарё обкоми биринчи котиби Эгамқул Тасанбоев, Мирзачўл райкомининг биринчи котиби Сатай Керимов унга ҳамроҳ бўлиб келишди. Отахон хўжаликнинг истиқболи, одамларнинг турмуши билан қизиқдилар. Шароф ака бир зум сукут сақларкан, обком котиби:

— Шу совхозни Султон Сегизбоев номи билан аташ ниятимиз бор. Нима дейсиз? — деб қолди.

— Жуда маъқул, — Шароф ака С. Сегизбоевнинг халқпарвар, маърифатпарвар, оташин инсон эканлигини таърифлаб берди.

— Йигирманчи совхозни Абай номи билан атасак-чи? —сўради Эгамқул ака.

— Баракалла! Абайдек улуғ оқин номини эъзозлаш хайрли иш. Гап хўжаликнинг жисми исмига мос келишида.

Шароф ака маслаҳатига кўра илк учрашув ўтган ўша жойда чиройли чойхона қурилди, боғ яратилди. У киши ўз қўллари билан ўтқазган кўчат ҳозир кўкка бўй чўзиб турибди. Саркотиб шу йилнинг кузида яна келдилар. Пахта қийғос очилган, машина терими бошланган пайт эди. Отахон нигоҳи тушган Николай Ли бошлиқ бригада шу йили ҳар гектардан 30 центнердан хирмон кўтарди. Яхшининг шарофати, деганлари шу-да.

1972 йили совхознинг марказий қўрғони қурилаётганда. Шароф ака учинчи марта масъул кишилар ҳамкорлигида сегизбоевликлар ҳузурида бўлдилар. Ҳамма қулайликларга эга бўлган янги уйларни бориб кўрдилар. Турар жойлар отахонга маъқул тушди. Шундан сўнг далаларни кўздан кечириб, қимматли маслаҳатлар бердилар. Шу йили хўжалигимиз меҳнат аҳли иттифоқ байроғини қўлга киритди, илғорларимиз орден ва медаллар била мукофотланди.

Жиззах вилояти ташкил топган 1974 йили эса шахсан Шароф ака тавсиясига кўра мени вилоят ижроқўми раисининг муовини қилиб тайинлашди. Кичкина шаҳарча ўрнида вилоят маркази қуриш, саноат корхоналари, янги районлар тузиш каби мураккаб ишлар кўп куч ва ғайрат талаб қиларди. 1978 йили мени Мирзачўл тумани партия қўмитасининг биринчи котиби этиб сайлашди. Иш юзасидан бир неча бор Шароф ака қабулида бўлишга тўғри келди. У кишига хос хусусиятлардан бири шу эдики, энг аввало эл-юрт аҳволини сўрар, сўнг хўжалик иши билан қизиқардилар.

Ўткир зеҳн соҳиби, билимдон ота одамларга бир қарашдаёқ нима дарди борлигини бехато сезарди. Шароф ака қабулида бўлганимда кўнглимга тугиб қўйган муаммолар тўғрисида ўзлари биринчи бўлиб гап бошлаганида ҳайратланганим эсимда. Яқинда матбуотда Асил Рашидовнинг «Акам ҳақида» сарлавҳали эсдаликларини ҳаяжонланиб ўқидим. Унда шундай сатрлар бор: **«Рашидовдаги унча-мунча одамларга насиб этмаган фазилатлардан бири — инсонга ишониш, инсонни улуғлаш, икки оғиз ширин сўз билан ўз суҳбатдошини қайта кашф этгандай сеҳрлаб, қалбини тоғдак кўтариб, илҳомлантириб юборувчи жозиба кучи эди. Буни у кишидаги энг ноёб фазилатлардан деб биламан».** Қозоқларда «яхши кишининг яхшиликларини айтгин, нури ошсин», деган мақол бор. Марказқўм саркотиби Шароф Рашидовнинг амалий ёрдами, доимий ғамхўрлиги туфайли атиги икки йил мобайнида районимиз маркази ҳамда еттита совхоз тўла газлаштирилди. Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидан хашарга келган азаматлар 200 километрли табиий газ қувурларини ўрнатишди. Мирзачўлликлар хондонида 1982 йилдан «зангори олов» ёнганди. Шуни айтиш керакки, ўша пайтларда чўлга газ келтириш осон эмасди, албатта. Бу аслида Шароф отанинг чўлқуварлар тақдирига юраклари ачинганидан, ўз меҳрини дариғ тутмаганлигидан далолатдир.

Яхшидан боғ қолур, деганларидек, у кишининг халққа қилган катта хизматлари, қолдирган бой мероси ҳақида қанча гапирсак оз. Чўлқуварлар саломатлиги тўғрисида қайғурганларичи? Шароф ота районимизда замонавий санатория-профилактория қуришда катта амалий ёрдам кўрсатдилар. Мазкур шифохонадан бутун вилоят аҳли шифо топмоқда. Айни пайтда районимизда замонавий марказий касалхона, болалар шифохонаси, тери ва ўпка хасталикларини даволаш масканлари, поликлиникалар, қишлоқ-врачлик амбулаториялари бунёд этилди.

Ҳозир ҳар бир хўжаликда мактаблар, боғчалар, маданият ўчоқлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ишлаб турибди. Фориш тоғ ёнбағрида пионер лагеримиз бор. Туманимиз ҳудудида металл кукунлари, пахта тозалаш заводлари, сутни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш корхоналари, консерва цехи, қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

1983 йил октябрь ойида Шароф Рашидов районимизга ташриф буюрганларида пахта-йиғим терими қизғин паллада эди. Далаларни айланиб терим сифатини ошириш тўғрисида кўрсатмалар бердилар, пахта тозалаш заводида бўлдилар. Қисқа ҳордиқ чоғида трест парткомининг котиби Абдуғаффор Сардоров у кишини қўриқда тенги йўқ чўлқуварлар Маданият саройига таклиф қилди. Юзида табассум балқиган Шароф ака ҳашаматли саройни чин ихлос билан руҳланиб тамоша қилдилар. Иккинчи қаватга кўтарилдик. Кошонани кимлар қургани билан қизиқиб, ўз қувончини шундай изҳор этди:

— Баниҳоят Мирзачўлга ҳам маданият етиб келди. Қўриқ очишга қарши бўлган жаноблар, сохта олимлару, калтабин иқтисодчилар келиб кўрсинлар. Марҳамат қилсинлар, кимлар ҳақ, кимлар ноҳақлигининг гувоҳи бўлсинлар!

Тарих саҳифаларига тузатишлар киритиш мумкиндир, аммо халқ хотирасини, асил тарихни ўзгартириб бўлмайди. Озгина ориятли бор инсон ўзбек халқини оламга танитган Шароф ака эканлигини билишлари фарз. Шу йилнинг июль ойида Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи котиби Динмуҳаммад Кунаев Тошкентда бўлган пайтида Шароф ака руҳини ёдлаб илиқ гаплар айтди. Икки қўшни республика ўртасида маданий-иқтисодий алоқаларни, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда Шароф Рашидовнинг хизматлари беқиёс, уни унутиш нонкўрлик, деди.

Ёдимда 1980 йил август ойининг охирларида Қозоғистоннинг 60 йиллик юбилейи тантаналари равишда нишонланадиган бўлди. Ўзбекистон делегацияси таркибида мен ҳам бор эдим. Ҳукумат делегацияси Тошкент тайёрагоҳига келганда Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, техника фанлари доктори В. Н. Сивецдан самолётларнинг мутлақо янги авлоди «ИЛ-76 Т»ни тайёрлаб чиқариш ҳақида синчиклаб сўради. Бош директор Воронежда чиқариладиган авиадвигателларни синовдан ўтказиш кейинга сурилаётганлигини айтди. Шунингдек кадрлар қўнимсизлигини тугатиш соҳасидаги тадбирлар, Самолётсозлар саройи, Иссиққўл соҳилида оромбахш дам олиш зонаси фойдаланишга топширилгани тўғрисида маълумот берди.

Шундан сўнг Шароф ака мен билан суҳбатлашиб, жамоат чорвасини ривожлантириш, мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш, аҳоли молларини кўпайтириб, улардан гўштга мол сотиб олиш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар. Бу борада Белоруссия тажрибасини ўзимизда жорий этиш фойдали, дедилар.

Отахоннинг дидига, эслаш қобилиятига яна бир бор қойил қолдим. Районимиздаги барча совхозлар директорларининг исм-шарфларини бирма-бир тилга олиб, ишлари қай тарзда бораётганлигини суриштирди. Абай номли совхоз директори Спатой Минтаев, донгдор пахтакор Расул Ҳайдаров, Инобат Охунова, Рўёб Маматовалар каби ажойиб чўлқуварлар билан фахрланамиз, дедилар. Деҳқонларга қулай шароитлар яратиб бериш, қишлоқдаги ҳар бир хонадон аҳволидан мунтазам хабар олиш раҳбарларнинг доимо диққат марказида бўлиши шарт, деди у сўзининг охирида.

Фазодаги суҳбат бундан ҳам мароқли ўтди. Олмаотага ҳам келиб етибмиз. Бизни Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Д. Кунаев ва бошқа расмий кишилар самимий қарши олишди. Делегациямиз «1-Май» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасини бориб кўрди. Корхона ишчилари Шароф акани зўр қувонч билан кутиб олишди.

Бундай воқеаларни эслашимни боиси Шароф Рашидов қозоғистонликлар учун ҳам азиз ва қадрдон эди! Юбилейга бағишланган тантанали йиғилиш иштирокчиларида Шароф акани кўриш, сўзини эшитиш иштиёқи беқиёс катта эди. Ота минбарга кўтарилар экан, гулдурос қарсаклардан зал ларзага келди. У киши қўлларини кўксига қўйган ҳолда зал тинчланган, ўзига хос ёқимли овоз билан нутқини бошлади. Энг аввало, шажарадан маълумот келтириб, наслию дини, тили-ю дили бир бўлган қозоқлар билан ўзбеклар қадим замонлардан қондош ва жондош бўлганликлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ўзбек билан қозоқни азим дарёнинг икки қирғоғига қиёслаш мумкин. Улар аҳралмас оғайнилар, содиқ дўст, қуда-андалардир, деди.

Олтин зангламайди, деганларидек, истиқлол туфайли қадриятларимиз, халқнинг асил фарзандлари обрў-эътибори тикланмоқда. Имон, эътиқод, меҳр-оқибат каби мўътабар тушунчалар ўз ўрнини топаётир. Юртимизга янгича файз кириб келди. Қувончлиси шуки. Шароф аканинг табаррук номлари оқланиб, адолат тантана қилди. Гарчанд кечроқ бўлса ҳам ҳақиқат шуъласидан диллар ёришди. Бу — эзгулик аломатидир, яхши инсонлар шарофатидир.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● НАВОИЙ

СУТ-ҚАТИҚ ЎЙНАЙИБ ҚОЛДИ

● НАВОИЙ сут заводи жамоаси ҳашар йўли билан янги кичик савдо дўкони очди.

«Наврўз» деб аталувчи бу мўжаз дўкон айни кунларда завод ишчилари қатори Навоий шаҳри аҳолисини ҳам арзон сут, қатиқ, қаймоқ, пишлоқ маҳсулотлари билан таъминламоқда. Сут маҳсулотлари дўконидан шунингдек, Кармана шаҳри фуқоролари, қўшни пахтачилик хўжаликлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Завод жамоаси шаҳарда ва бошқа районларда ҳам ана шундай дўконларни очса, айни муддао бўларди.

Музаффар ШАРОПОВ.

● ТОШКЕНТ

ҲАМ ЧАНҚОВБОСДИ, ҲАМ ШИФОБАХШ

● ҚИБРАЙ чанқовбосди ичимликлар комбинатида яна уч хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

Олмониянинг «Данлер» фирмаси технологияси бўйича ишлаб чиқариладиган бу ичимликлар ўзига хос таъми билан ажралиб туради. Чунончи «Киви» деб номланган маҳсулот ўрик ғўраси таъмига ўхшаб кетади. Қизиғи шундаки, учала маҳсулотни тайёрлаш учун қанд ўрнига аспаркам моддасидан фойдаланилади. Бу қандли диабет дардига чалинганлар учун яхши шифодир.

ОТАХОНЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

● ҚИБРАЙ райони фахрийлари амалга ошираётган ибратли ишлар ёшларга ўрнак бўларлидир.

Районда етиштирилаётган пилланинг учдан бир қисми, жамоа чорваси учун тайёрланаётган дағал хашакнинг 29 фоизи фахрийлар улушига тўғри келмоқда.

Меҳнат фахрийси Комилжон Қўчқоров бригадаси «Қибрай» давлат хўжалиги да тайёрланаётган хашакнинг 70 фоизини етиштириб бераётир. Отахонлар давлат фондидан берилаётган гўштдан воз кечишганига ҳам анча бўлди. Улар ўзларини ўзлари гўшт билан таъминлашга ўтиб, ютқазишмаяпти. Хўжаликлардан бузоқ сотиб олиб, боқиб семиртиришгач, гўштга топширишмоқда. Ўзларидан ортгани эса давлатга сотилади. Район фахрийларининг бу йилги мақсади давлатга 150 тонна гўшт топширишдир.

ГАЗ ҚУВУРЛАРИ ЯНА ЎЙНАЯДИ

● ЎЗБЕКИСТОН металлургия заводида жамоа конструкторлари, лойиҳачи ва ишчилари ҳамкорлигида диаметри 32 миллиметрдан то 76 миллиметргача бўлган қувурлар ишлаб чиқарилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундай хайрли тадбир самараси республикамиз қишлоқларини газлаштиришда, уйларида зангори олов порлаётганлар қувончида ўз ифодасини топмоқда. Яқинда эса заводда электр билан пўлат эритадиган печларни таъмирлаш бошлаб юборилди. Агар ўтган сакиз ой давомида эритилган пўлатлар 427 минг тоннани ташкил этган бўлса, янгилик жорий қилинганидан кейин бу кўрсаткич яна уч баравар кўпайиши кутилмоқда.

Абдунаби МАННОПОВ.

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА

ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ ОЧИЛДИ

● КЕЙИНГИ йилларда Қорақалпоғистон республикасида тиббиёт кадрларн тайёрлаш анча яхшиланди.

Ўтган йили Нукус шаҳрида педиатрия институти филиали очилганди. Бу ерда бўлажак шифокор талабалар таълим олишмоқда. Яқинда эса 2-тиббиёт билим юрти очилди. 200 талаба билим олмоқда. Бу ерда тиш техниклари, фельдшер лаборантлар, болалар ҳамшираларн каби мутахассислар тайёрланади. Билим юртида билимдон, тажрибали мутахассислар фаолият кўрсатишмоқда. Ўқув ва аудиториялар, лаборатория хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

ЭЛЕВАТОР БУҒДОЙГА ТЎЛМОҚДА

● НУКУС шаҳридаги 2-ун комбинатн фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Газ-сув тармоқлари етказиб келинди. Насос станцияси, сув сақланадиган мосламалар тайёр. Ободонлаштириш ишлари муваффақиятли тамомланмоқда. Элеватордаги 3 та линиянинг 2 тасида якунловчи ишлар бажарилмоқда. Лойиҳа-сметаси 5,5 миллион сўмлик, суткасига 200 тонна маҳсулот чиқарадиган Нукус ун комбинати тез кунда фойдаланишга топширилади. Элеваторга дастлабки буғдойлар келиб тушмоқда. Ун комбинати синовга тайёр.

БЕРУНИЙ ШАҲРИДА—ЗАВОД

● ТЎРТКЎЛ, Беруний, Элликқалъа районларининг давлат ва жамоа хўжаликлари 180—200 километр олисда жойлашган Нукус ва Хўжайли сут заводларига маҳсулот топширишда қийинчиликка дуч келишарди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бундай шароитда ишлаш фойда ўрнига зарар келтириши табиий. Буни олдини олиш мақсадида Беруний шаҳрида бир кеча-кундузда 20 тонна сутни қабул қилиш ва қайта ишлаш қувватига эга бўлган сут заводи фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларини Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли 15-қурилиш бошқармаси бинокорлари амалга оширдилар. Ҳозир бу ерда сариёғ, қаймоқ, сузма ва бошқа турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

БЎЗАТОВДА ЯНГИ ШИФОХОНА

● РЕСПУБЛИКАДА саломатликни яхшилаш, турли касалликларнинг олдини олишда ибратли ишлар қилинмоқда. Экологик қийинчиликлардан чиқишнинг барча тадбирларидан самарали фойдаланилмоқда.

Чорвачиликка ихтисослаштирилган Бўзатов районн марказида лойиҳа-смета қиммати 5 миллион 86 минг сўмлик 150 ўринли касалхона, ҳар сменада 200 кишини қабул қиладиган поликлиника комплекси ишга туширилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

● АНДИЖОН вилояти фахрийлари Шароф Рашидов номли жамғарма ҳисобига 5 минг сўм пул ўтказишга қарор қилдилар.

● ШАРОФ РАШИДОВ НОМЛИ ЖАМҒАРМА

БАҒРИ КЕНГ, КЕЧИРИМЛИ ИНСОН ЭДИ

Ажойиб инсон, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов билан илк бор учрашувимиз ёдимдан чиқмайди. Шунга ҳам 45 йил бўлди. Мен Асакадаги Сталин номли колхозда раис эдим. Шароф Рашидов эса «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бош муҳаррири бўлиб ишларди. Бир куни газетанинг Андижон область мухбири Аҳмад Ҳамдам, Шароф ака ва район раҳбарлари хўжалигимизга келиб қолишди. Улар қишлоқ ҳаёти билан танишишди. Рашидов ўзининг камтарлиги, ўзига хос хушмуомаласи билан менда илиқ таассурот қолдирган. Орадан икки йил ўтгач, Шароф ака билан Москвада Бутуниттифоқ тинчлик тарафдорларининг конференциясида учрашишга тўғри келди. Ўшанда Рашидовнинг ўта маданиятли, хотин-қизларга нисбатан ҳурмат-эътиборли инсон эканлигига қойил қолганман. Содда ва жўн кийинсаларда, ўзига хос дид эгаси эканликлари кўриниб турарди. Билимдонлик у кишининг мушоҳадаларида намоён эди. Кейинчалик ҳам Шароф ака билан йиғинларда тез-тез кўришиб юрдик.

Рашидов республика Олий Совети Президиумн Раиси бўлиб ишлаган кезларида мен райком котиби эдим. У кишининг раҳбарлик маҳорати, кадрлар билан ишлаш санъати менга ёқарди. Баъзи раҳбарларга ўхшаб дўқ-пўписа қилмасди. Адибларга хос босиқлик билан фойдали маслаҳатлар берарди. Энг муҳими ҳамиша ўз сўзининг, ваъдасининг устидан чиқарди.

Шароф Рашидов узоқ йиллар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлиб турганларида ҳам у кишида манмансираш аломатини сезмадим. Ҳар гал Андижонга келганларида Жўраполвон Ғойибов, Абдусамад Тиллабоев, Тоштемир Раҳимов, Турсун Холиқов, Умаржон Содиқов ва бошқа меҳнатда тобланган, эл-юртга танилган кишиларни йўқлаб, улар билан эркин суҳбат қурардилар. Шундай суҳбатларда Меҳнат Қаҳрамонлари Қумрихон Рустамова, Турдихон Сатторовалар қатори иштирок этишимга тўғри келган. Мулоқот чоғларн Рашидов областдаги аҳволни илғаб оларди. Биз эса шундай улуғ одам йўқлаганидан кўнглимиз тоғдай бўлиб, руҳланардик. Айниқса, у кишининг кадрларнинг авайлаб-асраши, насиҳати-у, маслаҳатини аямаслиги маъқул келарди. Хуллас, бағри кенг, кечиримли инсон эди.

Шароф Рашидов Андижонда ҳам бир умр эсда қоладиган ишлар қилган. Андижон сув омборини қурншда, марказий Фарғона чўлини ўзлаштиришда, қўриқ Комсомолобод районини ташкил этишда, Андижон адрларига сув чиқариб, боғ-роғлар яратишда, Катта Андижон каналини бунёд этишда, собиқ Иттифоқда ягона Андижон пахтачилик институтини очишда Шароф аканинг хизматлари катта.

Биз, андижонликлар табаррук инсон Шароф Рашидов номини ҳеч қачон унутмаймиз. У кишининг 75 йиллик таваллудини муносиб нишонлаймиз.

Турсуной КАРИМОВА,
Андижон вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг раиси.

• Қўлни беринг, жаҳондаги шериклар

ТЕЛЕВИЗОРЛАР БУХОРОДА ЙИҒИЛАДИ

БУХОРО уйсозлик комбинати кўп йиллардан буён тармоқнинг байроқдори саналарди. Ҳамма нарса марказдан тақсимланадиган шароитда комбинат йил сайин уйсозлик ҳажмини ошириб, моддий ресурслар тақчиллигини ҳеч қачон ҳис қилмаганди.

Аммо бозор иқтисодиётига кўчиш меҳнат жамоасини оғир шароитга солиб қўйди. Металл, ёғоч, цемент сингари қурилишбоп материаллар ҳақиқий баҳоси билан ўлчана бошлангач уйсозлик ишлари таннархи кескин ошиб кетди. Бундай материалларсиз эса темир-бетондан фойдаланиладиган қурилиш технологиясини тасаввур этиш қийин.

Кишилик бизнинг иқлим шароитимизга мутлақо мослаштирилмаган бетон уйлар ўрнига бундан озроқ маблағни сарфлаб ўзлари уй қуриб олишни маъқул кўришди. Шу йилнинг биринчи ярмида фойдаланишга топширилган 73 минг квадрат метр турар жойнинг атиги 3 минг квадрат метри шундай уйларни ташкил қилди. Комбинат уйсозлик ишларига тобора кам буюртма ола бошлади. Илгари бундай уйларга буюртма берган корхона ва ташкилотлар ҳам ҳозирги нархларда унинг харажатини қоплай олмай комбинатдан қарздор бўлиб қолишди.

Айни маҳалда бундай қарзлар 30 миллион сўмдан ошиб кетган бўлиб, бундай аҳволда меҳнат жамоасини инқироз ботқоғига чўктирмоқда. Шундай шароитда нима қилиш мумкин? Ҳали ҳам кеч эмас: уйсозлик конвейери ҳаракатини жиловлаш лозим. Ундан кейин эса ихтисосни ўзгартириш тўғрисида ўйлаш керак.

Шу тариқа уйсозлар темир-бетон плиталар ўрнига рангли телевизорлар ишлаб чиқарадиган бўлишди. Табиийки, комбинатда мавжуд ускуналар билан бундай маҳсулотни ишлаб чиқариш амри маҳол. Биринчи навбатда комбинат цехлари таъмир этилиб, янги маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Жанубий Корея фирмаларидан бири билан тегишли шартнома тузилди. Улар рангли телевизорлар учун барча деталларни етказиб берадиган, телевизорларнинг ўзи эса Бухорода йиғиладиган бўлди.

Комбинат радиоэлектроника мутахассисларини четдан олиб келиш ниятида эмас. Бундан илгари уйларни пардозлаш ва бошқарув ишлари билан шуғулланган хотин-қизлар энди янги касбларни ўзлаштирмоқдалар. Улкан ишлаб чиқариш биноси ичида эса уч қаватли йиғув цехини пардозлаш ишлари поёнига етмоқда. Уйсозлар дастлабки рангли телевизорларни шу йилнинг охирида конвейердан тушириш ниятида.

Монтажчи эркаклар учун ҳам иш топиляпти. Яқинда комбинат директори Ж. Норов Германияга қилган сафаридан қайтди. Сафарга эса совға билан эмас, бир контейнер ғўзапоя билан борди. Чунки бу ерда ҳар йили далаларимизда юз минглаб тоннаси чириб кетадиган ғўзапоядан «ДСП» ҳамда «ДВП» деб аталадиган ва ҳозир нархи осмонга чиқиб кетган ёғоч-тахта плиталар ишлаб чиқарадиган фирма борлигини эшитиб қолганди.

Дарҳақиқат, Ғарбий Германиянинг «Бизон» фирмаси кўп йиллардан буён Хитой, Ҳиндистонда етиштирилган ғўзапоядан шундай маҳсулотлар ишлаб чиқараётган эди. Бухоролик тадбиркор олиб борган ғўзапоя хусусиятлари дарҳол фирма ҳузуридаги лабораторияда ўрганиб чиқилди, муҳандислар ундан қурилишбоп маҳсулот тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишди. Қисқа муддат ичида пишиқлиги ва нафислиги жиҳатидан ёғоч ,қипиғидан тайёрланаётган маҳсулотдан бир неча карра устун, таннарх жиҳатидан эса бир неча марта арзон маҳсулот тайёрлаш мумкинлиги аён бўлди.

Яқинда комбинат директори бизни шундай маҳсулот намуналари билан таништирди. Оддий ғўзапоя ўн-ўн икки технология жараёнидан ўтиши натижасида ажойиб иморатсозлик буюмларига айлантирилар экан.

— Бутун сир ғўзапоя қипиғига қўшиладиган махсус қоришмаларда, — дейди Ж. Норов. — Агар бу тахталар девор ёки шифтга қоқилса, уларга бир хил, оёқ остига қоқилса бошқа хил қоришма моддаси қўшилади. Пишиқлик ёки нафислик хусусиятлари ҳам шунга қараб ўзгаради...

Сентябрнинг охирларида «Бизон» фирмасининг вакиллари Бухорога келиб комбинат цехларини кўздан кечиришади. Кўп ўтмай эса янги ускуналарни ўрнатишга киришилса ажаб эмас.

Ҳали ишга киришилмай туриб япониялик ишбилармонлар ҳам бухоролик уйсозларга янги шериклик тадбирини таклиф этишмоқда.

Хўш, уйсозлик-чи? Унга чек қўйиладими? Ҳозирча йўқ. Аммо монтажчи ишчиларни уч кунлик меҳнат ҳафтасига ўтказишга тўғри келмоқда. Қолган вақтларда эса улар янги касбларни ўзлаштиришга киришадилар.

Н. НАИМОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фишер—Спасский 5:2

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ГАЛЛАР · FIDE · МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ · МУҲАСАДДИ

● АМЕРИКАЛИК гроссмейстер белгиланган 10 очконинг ярмини олиб бўлди. Бинобарин матчнинг биринчи ярми тугади. Шартга кўра қолгани бошқа жойга кўчади. Шиддат бунчалик кучайишини кўпчилик кутмаган эди.

Роберт Фишер шахмат осмонида жавлон уриб турган ўша 60-йилларда унинг шахсига соя ташлаш ниятига тушганлар ҳам анча-мунча эди. Фишер саводсиз, маданий савияси анча паст, бахтига яхши ҳам шу шахмат бор экан, бўлмаса... дегувчилар ҳам бўлди. Ушанда унинг ҳамюрти, гроссмейстер Роберт Бирн шундай бир воқеани ҳикоя қилиб берганди.

— Укам Дональд Бирн ҳам таниқли шахмат устаси, — деб ёзганди у. — Уйига излаб борсам, чўмилгани денгизга кетган экан. Топдим, қум устида Фишер билан суҳбатлашиб ўтирибди. Гап шахмат ҳақида эмас, классик адабиёт хусусида борарди. Укам филология профессори, у билан баҳслашишга қурби етган кишини саводсиз, дейиш инсофданми, ахир. Бунинг устига Фишер бешта тилни билади. Ҳа, у университетда ўқиганлардан эмас, балки яхши уққанлардан...

Яқинда матбуотда шундай хабар босилди. Фишер ўзига хос шахмат соатини ихтиро қилибди. Ўйновчига цейтнотга тушгани, қанча юришга неча дақиқа, қанча сония қолганлигини эслатиб тураркан. Бунақаси 100 йил давомида бўлмаган эди. Патент олибди. Бу «саводсиз»нинг ишими?!

Келинг, энди жозибали оролдаги жўшқин баҳсга қайтайлик. Устма-уст икки ғалабадан сўнг бир очко ўзиб кетган Фишернинг аслига қайтаётгани кўриняпти. Ўйин жараёнида, айниқса баҳснинг умумий ҳисобида ташаббусга эришган америкалик гроссмейстер одатда ўта даҳшатли рақибга айланишини кўпчилик билади. Буни яна бир бор тасдиқдан ўтказди.

Тарки одат амри маҳол. Фишер 9-учрашувни тағин ўша шохи олдидаги пиёдани икки хол олға суриш билан бошлади. Бинобарин, яна испанча партия. Спасский ҳам унинг пирларидан. Бу сафар америкалик бошқача, лекин 1972 йилги матчда учраган алмаштириш вариантини танлади. Бунда оқлар тўртинчи юришдаёқ «испанча» деб аталувчи филини қора отга бериб, пиёдалар жойлашувидаги афзалликдан фойдаланишни кўзда тутади. Тезда фарзинлар ҳам алмашиб, вазият соддалашиб қолгандек эди. Бироқ, Фишерни тахта узра пашшадан фил ясай оладиган уста, деб бежиз айтишмаган. У аввал қора шох жойлашган чап қанотда муайян заифликлар барпо қилди. Сўнгра 15-юришда марказдаги пиёдасини теп-текинга суриб бораркан, оти учун ўта муҳим жанговар хонани бўшатиш ғоясини рўёбга чиқарди. Сипоҳу пиёдалари гур тўкилиши, баъзи ҳолатларда эса мот бўлиши аниқ бўлиб қолган Спасский 21-юришдаёқ қаршиликни тўхтатишга қарор берди. Ҳисоб Фишер фойдасига 4:2 га етди.

Иштирокчилар ўртасидаги келишувга биноан ҳафтанинг уч куни дам олишга ажратилганлиги сабабли танаффусга чиқиш кўзда тутилмаган эди. Аммо, муайян вақт орасида белгиланган миқдордаги юришлар қилиниши кераклиги, баъзан бу мураккаб ва кескин жараённинг 7—8 соат давом этиши, жисмонан ва рухан соғлом кишини ҳам мувозанатдан чиқариб қўйиши муқаррар. Устма-уст мағлубият азобини тортиш нохуш ҳолатни кучайтиради, албатта. Навбатдаги учрашув олдидан Спасский уйқусизлигу иштаҳасизлигидан нолиб, матч ҳакимларига мурожаат қилди. Ҳакимлар бамаслаҳат унга танаффус берилиши зарур, деган хулосага келдилар.

Ана шу кунлари Финляндия шахмат чемпионати очилиши муносабати билан бу ерга меҳмон бўлиб келган жаҳон чемпиони Гарри Каспаров таклифга кўра матбуот конференцияси ўтказиб, йирик ахборот воситаларининг саволларига жавоб қайтарди.

— Мен, — деди у, — Роберт Фишер билан матч ўйнашга тайёрман. Лекин ваъда қилинаётган ўша 100 миллион доллар мукофот кафолатланиши ва матч цивилизация ҳўкмрон мамлакатда ўтиши зарур, деб ҳисоблайман. Расмий жаҳон биринчилиги учун Шорт—Тиман баҳсининг ғолиби билан ўйнайман. Бу келгуси йили бўлади. Буни ФИДЕ белгилаб қўйган. Фишернинг маҳоратига келганда шуни айтиш мумкин: ҳозирги замон ўлчовларига кўра у ўртамиёна гроссмейстер. Лекин унинг шахмат ривожига қўшган улкан хизматларини жуда қадрлайман.

Икки кунлик танаффусдан сўнг ўйналган 10-партияда қора доналарни сурган Фишер одатига кўра яна эски фин ҳимоясини, лекин бу сафар биринчи бор ўзгача йўлни танлади. Бир пиёда камлигига қарамай, пухта ҳимояланган Спасский 68-юришда дурангга эришди.

Навбатдаги 11-учрашув узоққа чўзилмади. Спасскийнинг 21-юришдаги қилган ҳатосидан моҳирона фойдаланган Фишер яна 20 юришдан сўнг навбатдаги ғалабасини нишонлади. Ҳисоб унинг фойдасига 5:2.

Матчнинг биринчи ярми тугади. Шартга кўра иштирокчилар бир ҳафталик танаффусдан сўнг баҳсни Белградда давом эттирадилар.

ОСИЁДА ОЛТИНЧИ

Таниқли тошкентлик мактаб ўқувчиси, 13 ёшлик спорт усталигига номзод Рустам Қосимжоновнинг Катар мамлакатига жўнаб кетганлигини хабар қилган эдик. Бу ерда ўтказилган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё қитъаси биринчилигида 22 мамлакат вакиллари ўртасида Рустам фахрли олтинчи ўринни олиб, қайтиб келди. Бу ёш шахматчимизнинг келажакдаги юксак натижаларининг дебочасидир.



УЧ ЮРИШДА МОТ

Яқин орада газетамиз ҳамда республика шахмат федерацияси совғаси учун Ўзбекистон шахматининг шуҳратини жаҳонга танитганлардан бири Пўлатхон Саидхонов таваллудининг 100 йиллигига атаб, катта танлов ўтказишни режалаштириб турибмиз. Сиз мухлислар ҳам ҳозирлик кўраверинг.

• ФЕЛЬЕТОН •

КИМНИНГ ЧЎМИЧИ «МОЙ», КИМНИКИ «ЛОЙ»...

● Шу йил 18 август куни Узун район халқ суди раисининг хонасига шу район ички ишлар бўлимининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходими Бозор Исматов кирди. Раисга маслаҳат қилди.

— Жўра Умбаров деган одам (у Ж. Пирназаров номли жамоа хўжалигида яшайди. 3-мактаб ўқитувчиси) сўраб келганга уйидан пахта мойи сотаяпти. Килосини ўттиз икки сўмдан. Уйида 2800 килограмм мой борлигини аниқладик. Чайковчилик билан айбласак, бўладими, Умбаровни? — деб сўради.

САВОЛ-жавобдан шу нарса маълум бўлдики, Жўра Умбаров шунча мойни кимдан, қаердан олганини айтмаган. Йўлдан ўтаётган бир номерсиз машина ҳар кило мойга 23 сўмдан олиб, қуйди-ю-кетди, деган. Исматов майдалаб сўрайвергач, мой сотувчи ўқитувчи: — «Менга мой сотганни «сотиб» бўлмайди, агар «сотиб» қўйсам сўнг мени ҳам нариги дунёга «сотиб» юборади, деган.

Хуллас, Умбаровнинг шунча мойни қаердан олганлигини аниқлашнинг иложи йўқ. Демак, шундай экан, биз замон амал қилаётган «инсонпарвар» совет қонунлари бўйича Умбаровни чайковчи, оянбсотар сифатида жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди. Демак, «иш»ни ёпди-ёпди қилиш мумкин.

Бозор Исматов елкадан нафас олиб қўйгандай ўзини енгил ҳис қилди. Енгил тортишнинг шавқи билан бизга шўнга ўхшаш яна бир воқеани айтиб берди.

Узун — Тожикистон Республикасига чегарадош район. Иқтисодий танглик шароити «Ҳисобли дўст — ажралмас» деган мақолнинг қадрини баланд қилиб қўйди. Меҳмонга келиб, қайтишда уйига масалан, бирон бидон пахта мойи олиб кетаётганга «ош бўлсин», деб тавозе қиладиган замон эмас. Олиб сотару олиб кетарларнинг ишларини ўрганишга ваколатли Исматовга ўхшаганларнинг сиёсати Боғдод қиличининг дамидай. Осмонга чиққанининг оёғидан, ерга яширинмоқчи бўлганларнинг қулоғидан тортиб олиб ўзига ром этувчи одамлар. Лекин ...туман-туман одам сўроқ қилинади. Халта-халта қоғозлар қораланади. Одамлар ишдан қоладилар. Бу ишларга давлат хазинасидан пул сарфланади. Ва, охир-оқибати биз юқорида баён этган кўриниш... Чайков ашёсининг кимдан олинганини аниқлаб бўлмагани учун жиноий иш қўзғатилмайди. Умбаровга ўхшаганларни керак бўлса, қонуннинг ўзи ҳимоя қилади. Нега?

Бундай бўлишидан табиийки, Умбаровлар хурсанд. Бундай бўлишидан, эҳтимол, Исматовлар ҳам хурсанд бўлар. Улар одамларнинг «Исматов Умбаровни «ушловди», икки-уч ой «ушлаб» юриб, «қўйворди». Қуруққина-ку «қўйиб» юбормагандир. Закун йўқ экан да, ўзи» деганга ўхшаш гапларга парво ҳам қилмаслар.

Тегирмон эса айланаверади. Умбаровлар яна мойни ёки бошқа бир нарсаларни худди ота-боболаридан қолган мисоли бамайлихотир ўғизларидан чиққан нархда сотаверадилар. «Ушланади»лар. «Қўйиб юборилади»лар. Ва яна сотаверадилар.

Тегирмон айланаверади. Қумқўрғон районидаги «Қумқўрғон» давлат хўжалигининг Арслонбойи қишлоғида яшовчи Норсоат Норматов деган кекса, бир оёғи оқсоқ одам ўз рўзғорининг тегирмони фаровон айланиб турсин деб, пахта мойи излашга тушди. Уч-тўрт кун яқин ўртани қаради. Сўнг 29 август куни «бисмилло» деб Ж 73-83 СД номерли оқ енгил машинанинг белига минди-да, уйидан 100 чақирим узоқликдаги Денов мой оқлаш заводига йўл олди. Эрталаб уйдан чиқиб, кечқурун мой идишини тақирлатиб, асаблари бундан ҳам баттар тақирлаб уйига қайтди. Қуруқ қайтди.

Эшпўлат Қултоев деган ҳамқишлоғим менга ҳасрат қилиб қолди, совхознинг ишидан қолиб уч кундан буён мой излайман — тополмайман. «Шапка»си қанча катта бўлса ҳам олардим, деди.

Қултоевнинг ҳасратини магазинчига айтаман. Магазинчи, нима қилай, идорамиздан мой бермаяпти, дейди.

Қултоевнинг ҳасратини магазинни мой билан таъминнинг этувчи идоранинг масъул ходимига айтаман. Масъул одам «бизга белгиланган фондни олиб турибмиз. Магазинга бериб турипмиз. Магазинчи ҳаммага баравар тақсим қилмаётгандир балки», дейди.

Қултоевнинг ҳасратини вилоят матлубот жамияти раиси Х. Норматовга айтаман. Норматов: — Денов мой оқлаш заводидан мойни белгиланган миқдорда тўлиқ олиб турипмиз. Тақсимот яхши. Сизга айтилган шикоят бўйича аҳволни ўрганиб кўрамиз, дейди. Қултоевнинг ҳасратлари сабаб бўлиб одамларга кўндаланг туриб қоладиган саволлар ечими номаълум сон бўлиб қолаверади. Бироқ бир нарса маълум: ўша Умбаровлар ҳам, Норматовга, Қултоевларга мой етказиб берувчи идоралар ҳам мойни фақат Денов мой оқлаш заводидан оладилар. Сурхондарёда мойнинг шундан бўлак манбаси йўқ. Энди, қани эди Бозор Исматовга ўхшаганлар Умбаров маллимга ўхшаган уйидан мой сотувчиларнинг ҳовлисини тинтув қилгандан сўнг газакнинг бошини топиш учун Денов мой оқлаш заводидаги тегирмонларнинг ҳам қандай айланаётганини бир ўрганиб кўрсалар, деган истак кўнгилга келади.

Шундай деймизу... Ўтган 1991 йилнинг ёзида вилоят ички ишлар бошқармасининг Исматовга ўхшаган ваколатли ходимлари Денов мой оқлаш заводида бир ойча ишлашди. Аллақандай ғирромликларни топишгандай бўлишди. Оқибатда ҳаммаси ҳамирдан қил суғиргандай текисланди. На сих қуйди, на кабоб.

Бу тарихни Исматовга ўхшаганлар яхши биладилар, унутмайдилар. Мой заводига ўхшаш катта тегирмонларнинг қандай айланаётганини ўрганишга эҳтимол, шунинг учун ҳам журъат қилолмайдилар. Ва, «фақир одамнинг ўрни — панада» деган нақлнинг иззатига етиб, қонунни ўзларидан яхшироқ биладиганлар билан йўл-йўлакай маслаҳатлашиб олиб, Умбаровга ўхшаганлар билан ош-қатиқ бўлмасалар ҳам, ҳар қалай бир-бирларининг номини узоқ йиллар унутмайдиган одамга айланиб қоладилар.

Тегирмон бўлса айланаверади. Биров уйида ғайриқонуний равишда мой сотади, яна биров бўлса қозон қайнатиш учун ҳафта-ўн кунлаб мой излайди.

Айтганча, Исматов айтиб берган иккинчи мисолни ҳам билдириб қўйсак: Одил Абдураззоқов Ўзундаги Бобир кўчаси, 10-уйда яшайди. «РТС» деган жойда уста. Килосини 32 сўмдан қилиб мой сотади. Жон бошига ярим килодан тегадиган улушини олиб-ололмайдиганларнинг рўзғоридаги учтўрт килолик мой идишлари қуриб қолса қоладики, Абдураззоқовнинг 3 тонналик мой идиши қуримайди... Ана Сизга, кимнинг чўмичи «мой», кимники «лой»...?!

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НОМЕРГА ХАБАР

ТОШКЕНТДАН ЎРИМЧИГА—ПОЕЗДДА!

25 сентябрь куни Тошкентдан Хитойнинг Шинжонг-Уйғур мухтор ноҳияси маркази — Ўрумчига мунтазам темир йўл қатнови бошланади. Ҳар ҳафта жума кунлари республика пойтахтининг Марказий вокзалидан йўловчиларни тўппа-тўғри Хитой Халқ Республикасига олиб борадиган иккита вагон йўлга чиқади.

Республикамизнинг минглаб аҳолиси бу воқеани орзиқиб кутган эди. Чунки Шинжонг-Уйғур мухтор ноҳиясида кўпгина ўзбекистонликларнинг қариндошлари ва дўстлари яшайдилар. Савдо-сотиқнинг ва саёҳатчиликнинг кенг миқёсда ривожланиши ҳам кўпдан-кўп ишбилармонлар ва сайёҳларни Ўрумчига боришга қизиқтиради.

Жума кунлари вагонлар Москва вақти билан 8.45 минутда жўнайди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг фуқаролари учун чипта ҳақи — 17,5 АҚШ доллари — 2228 сўм, чет эл фуқаролари учун 22,5 доллар ва 1728 сўм. Вагонлар Олмаота орқали ўтади.

(ЎзА мухбири).

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

● «ШАРОФНОМА» РАШИДОВ САБОҚЛАРИ.

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

● САЙЛОВЧИЛАР ДЕПУТАТДАН НЕГА ЮЗ ЎГИРИШДИ?

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

30 СЕНТЯБРДА УРГАНЧ ШАҲРИДА

Жамғарма Банки

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИНИНГ ИККИНЧИ ТИРАЖИ ЎЙНАЛАДИ!

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

ЭҲТИМОЛ, 250000 СЎМЛИК ЭНГ КАТТА ЮТУҚ СИЗГА ЧИҚИБ ҚОЛАР.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЖАМҒАРМА БАНКИ, АГРОСАНОАТ БАНКИ, ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА ЭРКИН СОТИЛМОҚДА ВА СОТИБ ОЛИНМОҚДА.

РЕСПУБЛИКА ЗАЁМИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ БИЛАН СИЗ РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЎЗ ҲИССАНГИЗНИ ҚЎШГАН БЎЛАСИЗ.

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

УРГАНЧ ШАҲРИДАГИ ТИРАЖ ЎЙИНИДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

БАҲОСИ БОЗОР НАРХЛАРИДАН 2 БАРАВАР АРЗОН!

Ташқи савдо ташкилоти қуйидаги маҳсулотларни сўмлар эвазига улгуржи миқдорларда сотади:
ГФРда ишлаб чиқарилган аъло сифатли уч хил:
ёнғоқли;
сутли;
.аччиқ. шоколад .100 г.

ГФРда ишлаб чиқарилган совға қутичаларидаги шоколадли конфетлар. Данияда ишлаб чиқарилган уч хилдаги аъло сифатли резина сақич. Москва шаҳридаги омбордан зудлик билан таъминланади. Манзилга етказиб берилиши ҳам мумкин.

Чет элда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан шартномалар тузилмоқда. Таъминлаш ва шартнома тузиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

Москва, Народное ополчение кўчаси, 21-уй, .Детский мир. дўкони биносидаги .ИНОПТТОРГ. улгуржи савдо дўкони.

Телефонлар: /095/ 197-68-75, 378-11-35.
Факс /095/ 3781135.



ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!



МУҲТАРАМ ПАДАРИ БУЗРУКВОРИМИЗ НОЗИМ ҚАЮМ ҚОРИ УҒЛИ УМАРОВ!

Муборак олтмиш ёшга тўлишингиз ва бу қувончли дамларда она диёримиз — Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги арафасида республикамиз ҳукумати томонидан сизга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвони берилиши муносабати билан дуоисаломларимизни қабул қилгайсиз ва муборак мукофотни олганингиздан бошимиз осмонга етганлигини қувонч билан маълум қиламиз.

Аввало умрингиз боқий, унвонингиз муборак бўлсин!

Сизга таъзим билан фарзандларингиз:
НОДИРЖОН, ФОЗИЛЖОН, ҲОЖИАКБАР, ОРИФЖОН, САЛИМАХОН, МУСАФФОХОН, ШОИСТАХОН.

МАРҒИЛОН ТРАКТОР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

«КАМАЗ» автомашинаси моторига эҳтиёт қисмлар: (двигателига) 1000128, 1002011 дан 1009050 гача, 1011014 дан 1017350 гача, 1022820 дан 1029286 гача, 1104300 дан 1318174 гача группаларини **СОТАДИ**

Манзилгоҳимиз: Марғилон шаҳри, Н. Холматова кўчаси, 174-уй.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекстройдормашсер в и з» акционерлик жамияти Ўзбекистон минтақа маркази ходимлари шу корхона бошлиги М. Т. Маҳкамовга отаси

Турғун

МАҲКАМ ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узкоопстроймонтаж» механат жамоаси ААТП директори

Юрий Ходжи-Ахматович

ЧОТЧАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди—20.45.
Г—340 № 186. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.